

Асқарова М.И. – ЎзР ФА Иқтисодиёт институти
илмий ходим-изланувчиси

НАМАНГАН ВИЛОЯТИ КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖЛАРИ БИТИРУВЧИЛАРИНИ ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ МУАММОЛАРИ

Мамлакатимизда ёшларни ижтимоий ҳимоялаш давлат сиёсатидаги энг муҳим ишлардан бири сифатида қаралмоқда. Келажак авлодни ҳар тамонлама баркамол этиб тарбиялаш, иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаган ҳолда турмуши даражасини юксалтириш ва уларнинг салоҳиятидан юрт равнақи йўлида унумли фойдаланишга катта эътибор берилмоқда. Мехнат бозорига кириб келаётган йигит-қизлар сонининг йилдан-йилга ортиб бориши сабабли, уларни иқтисодиётимизнинг турли жабҳаларига тўғри йўналтира олиш, бандлигини таъминлаш давлат тарафидан амалга оширилаётган энг долзаб масалага айланиб бормоқда.

Республикада таълим соҳасини тарақкий эттириш дастури ва бу соҳага киритилаётган инвестициялар академик лицей ва касб-ҳунар таълимини ривожлантиришни ҳам ўз ичига олади. Бугунги кунга келиб Ўзбекистонда замонавий воситалар билан жиҳозланган 1539 та касб-ҳунар колледжлари ва академик лицейлар фаолият юритмоқда. Шундан 143 таси академик лицейлар ва 1396 таси касб-ҳунар колледжларидир.¹

Таъкидлаш лозимки, 2000-2001 ўқув йилида республикада 287та академик лицейлар ва касб-ҳунар колледжлари фаолият юритган.² Бугунги кунга келиб уларнинг сони 1252 тага ёки 81,3 фоизга ошди. Шу жумладан, ушбу ўқув юртларининг академик лицейларида 108,3 минг, касб-ҳунар колледжларида эса 1514,8 мингдан ортиқ йигит ва қизлар таҳсил олиш билан чегараланиб қолмай, ўз қизиқишлари асосида касб-ҳунар сирларини ўрганмоқда.

1 Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси. Йиллик статистик тўплам. 2010. Тошкент-2012 йил, 82-бет.

2 Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси. Йиллик статистик тўплам. 2008. Тошкент-2009 йил, 117-119 бетлар.

Республикада фаолият юритаётган академик лицей ва касб-ҳунар колледжларининг 55,0 фоизи Самарқанд, Фарғона, Қашқадарё, Андикон, Тошкент вилоятлари ҳудудларида жойлашган. Демак, бу ўз ўрнида вилоятлар ҳудудида истиқомат қилувчи аҳоли ва ёшлар салмоғининг юқорилигидан далолат беради.

Республикамизда бунёд этилган бундай таълим муассасаларида ёшларимизнинг билим олиши, касб-ҳунар эгаллаши учун барча шартшароитлар яратилган. Ёшларнинг касб танлашига ёрдам бериш мақсадида муассасаларда фаолият юритаётган педагогик жамоа, психология мутахассислар, оила ҳамда маҳалла ўзаро ҳамкорликда ўқувчиларнинг интилишлари, қобилияти ва имкониятларини ўрганиб, зарур маслаҳатлар беришмоқда. Уларни иш билан таъминлашга эса алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Мехнат бозорига кириб келаётган ёшлар сонининг йилдан-йилга ортиб бориши сабабли, уларни иқтисодиётимизнинг турли жабҳаларига тўғри йўналтира олиш, бандлигини таъминлаш давлат сиёсатининг бир қисмига айланиб бормоқда. Ўзбекистон Республика-иқтисод ва молия / ЭКОНОМИКА И ФИНАНСЫ № 4, 2013

си Олий Мажлиси томонидан 2013 йилда янги иш ўринларини яратиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурида айнан шу мақсадлар кўзда тутилган. Бу ҳақда Республика Президенти И.А.Каримов 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишиланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисида: "Янги иш ўринлари ташкил этиш ва мамлакатимиз аҳолиси бандлигини таъминлаш 2013 йил ва ундан кейинги йилларга мўлжалланган мақсадли вазифаларни ҳал қилишнинг энг муҳим устувор йўналиши бўлиб қолади"¹, -деб алоҳида таъкидлаб ўтди. Негаки, республикада ҳар йили 500-520 минг нафар атрофида йигит-қизлар академик лицейлар ва касб-хунар коллекларини битирмоқдалар. Шунинг учун ҳам ёшлар учун иш ўринлари ташкил қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айниқса, меҳнат бозорига илк бор кириб келаётган ёшлар, вақтинча ишламаётган фуқароларнинг ишга бўлган эҳтиёжини, янги иш ўринлари ташкил этишни ҳисобга олган ҳолда иш тутилаётганлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Шуни ҳам айтиш жоизки, ёшлар, айниқса, касб-хунар коллеки битирувчилари бандлигини таъминлашда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 28 июлдаги "Taъlim muассасалари битируvчilarini тадбиркорлик фаoliyatiga жалб этиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони ҳам катта аҳамият касб этади. Шуни ҳам таъкидлаш керакки, ушбу фармонга мувофиқ ёшларни тадбиркорлик фаoliyatiga жалб этиш ўз навбатида оиласи тадбиркорлик, хунармандчиликни ривожлантириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ролининг янада ошишига ҳам имкон яратади.

Таълим соҳасидаги ислоҳотлар натижасида республикада энг замонавий шарт-шароитларга эга бўлган академик лицей ва касб-хунар коллеклари, спорт мажмуалари барпо этилди. Ҳар йили ушбу академик лицей ва касб-хунар коллекларида таҳсил олган, малакага эга бўлган ёшлар иш билан таъминланмоқда. Наманган вилоятида кадрлар тайёрлаш миллий дастурида белгиланган вазифаларни амалга ошириш бо-

¹ Каримов И.А. Бош мақсадимиз –кенг кўламли ислоҳотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. "Халқ сўзи". 2013 йил, 19 январь, №13 (5687), 3-бет.

расида қатор чора-тадбирлар амалга оширилди.

Баркамол авлод тарбияси йўлида амалга оширилаётган ишларнинг муҳим йўналишларидан бири – ёшларни касбга йўналтириш, ҳар тоннама билимли, замонавий, малакали, ишбилармон кадрлар сифатида тарбиялаш бўлса, иккинчи муҳим йўналиш – ёшлар бандлиги, уларни иш билан таъминлаш, ўз бизнесини юритиш учун қулай шарт-шароит яратишdir. Касб-хунар таълими ва бандлик нафақат ёшлар келажагини, балки ижтимоий-иқтисодий тараққиётни таъминлашда ҳам муҳим аҳамият касб этади. Замонавий техника, технологияларни эгаллаган, бозор иқтисодиёти, ҳуқуқий давлат мазмун-моҳиятини тушунган малакали кадрларгина келажакда ҳал қилувчи кучга айланиши мумкин.

Наманган вилоятида ёшларни касб-хунарга йўналтириш, уларни иш билан таъминлаш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар ҳам бунга етарли асос бўла олади. Вилоятда ҳар йилнинг бошида умумий ўрта таълим мактабарининг 9-синф битирувчilarini қаерда, қайси таълим масканида, қандай мутахассисликда ўқишни давом эттириш истаклари ўрганилади, яъни академик лицей, касб-хунар таълими мутахассасалари аниқланади. 9-синф битирувчilarи ва уларнинг ота-оналари иштироқида вилоят маркази ва туманларида «Касблар фестивали», «Мутахассислик – сенинг келажагинг» мавзуларида ярмаркалар ўтказилади. Академик лицей ва касб-хунар коллекларида «Очиқ эшиклар куни» ўтказилиб, таълим муассасаларида ўқувчилар учун яратилган шарт-шароитлар ва ўқув жараёни билан таништириш ишлари олиб борилади.

Ёшларнинг ўқишни давом эттиришлари, ишга жойлашишлари мамлакат тараққиётида, унинг иқтисодий юксалишини таъминлашда катта аҳамиятга эга. Уларни касбга йўналтириш, бандлигини ошириш орқали ҳуқуқбузарликларнинг олди олинади, қолаверса, ёшларнинг келажакка ишончи янада мустаҳкамланади. Таъкидлаш жоизки, ёшларни касб-хунарга йўналтириш ва уларнинг бандлигини таъминлашда замонавий ахборот технологиялар, интернет тармоғидан фойдаланишга эътибор қаратиш муҳим аҳамият касб этади.

2010-2011 ўқув йилида 9-синф битирувчilarini академик лицей ва касб-хунар коллек-
иқтисод ва молия / экономика и финансы № 4, 2013

1-жадвал

Наманган вилоятида касб-ҳунар коллеклари сони ва битирувчиларни ишга жойлаштириш кўрсаткичлари¹

Ўқув йиллари	Касб-ҳунар коллеклари сони	Битирувчи-лар сони, (минг киши)	Иш билан таъминланганлар, (минг киши)	Иш билан таъминланганлар улуши, (%)
2007-2008	90	18,2	17,5	96,1
2010-2011	107	37,5	35,5	94,6

ларига тўлиқ қамраб олишни сифатли ва режали амалга ошириш учун Наманган шаҳар прокуратураси ташаббуси билан www.kollejlar.uz сайти яратилди. Ушбу сайт орқали умумий ўрта таълим мактабларининг 9-синф битирувчилари вилоятдаги академик лицей ва касб-ҳунар коллеклари билан танишиш, ҳар бир таълим музассасининг тайёров йўналиши, қабул режаси юзасидан етарли маълумотларни олиш имкониятига эга бўлдилар.

Худди шунингдек, касб-ҳунар билим юртлари учун мўлжалланган www.bandlik.uz сайти ҳам ишга туширилди. Бундан асосий мақсад аҳолига, айниқса, ёшларга, ўқув юртлари битирувчиларига, одам савдосидан жабрланганлар ва иш билан банд бўлмаган фуқароларга иштопища қулайлик яратишdir. Қолаверса, сайтда меҳнат қонунчилиги, меҳнат муҳофазаси, хавфсизлик техникаси тўғрисида маслаҳатлар, меҳнатга оид барча саволларга тўлиқ жавоб олиш мумкин. www.bandlik.uz сайти 2011 йилнинг 15 апрелидан ишга туширилди. Наманган вилоятида истиқомат қилувчи кўплаб ёшлар ушбу сайт ёрдамида ишга жойлашдилар. www.bandlik.uz сайтининг бош саҳифасида бандликка қўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази фаолияти, вазифалари, иш режалари ва эълонлари билан танишиш ҳамда амалга оширилган ишлар ва келгусида режалаштирилган вазифалар тўғрисида маълумотга эга бўлиш мумкин. Шу билан бирга, бу саҳифада «Янги иш ўринлари» ва «Бандлик» дастурлари ҳамда вилоятда жойлашган корхона, ташкилот ва муассасалардаги ҳар ойда ўзгариб турувчи бўш иш ўринлари, аҳолини айrim тоифалари учун шаҳар ҳокимининг қарори асосида бўш иш ўринларига қўйилган «квота»лар ҳақидаги маълумотлар ҳам ўрин олган.

Наманган вилоятида касб-ҳунар коллеки битирувчиларини ишга жойлашишини аниқ бел-

гилаб олиш, корхоналарда ишлаб чиқариш амалиётини ўтash ва ишга қабул қилиш бўйича шартномаларни ўз вақтида тузиш бўйича зарур чора-тадбирлар ишлаб чиқилган. Бундай чора-тадбирларни амалга оширишда вилоят маркази ва туманларида ўtkazилиб келинаётган меҳнат ярмаркаларининг роли алоҳида аҳамиятга эга (1-жадвал).

Наманган вилоятда 118 та академик лицей ва касб-ҳунар коллеклари мавжуд бўлиб, уларда 141,5 минг нафар ўқувчи таҳсил олмоқда.² 2011-2012 ўқув йилларида 37,4 мингта йигит-қизлар коллекжни битирди. Вилоятда 2007-2008 ўқув йилларида 18 мингдан ортиқ ёшлар касб-ҳунар коллекларини битирган бўлса, 2011-2012 ўқув йилида деярли 42 минг йигит-қизлар дипломларга эга бўлишди. Демак, ушбу ўқув йиллари оралиғида касб-ҳунар коллекларини битирган талабалар сони 129,5%га ошган (2-жадвал).

Кўриниб турибдики, 2007-2008 ўқув йилларида вилоятда касб-ҳунар коллеки битирувчиларининг 96,1 фоизи ишга жойлашган. Кейинги ўқув йиллари ушбу кўрсаткич бирмунча пасайгани. Бундай холатни 2008-2009 ўқув йилларидан бошлаб битирувчилар мутлоқ сонининг ортиб борганилиги билан изоҳлаш мумкин. 2008-2009 ўқув йилларида олдинги ўқув йилига нисбатан битирувчилар сони 7,4 минг тага ёки 40,7%га кўпайган.


Вилоятда касб-ҳунар коллеклари битирувчилари сонининг ортиб бораётганлиги уларни ишга жойлаштириш муаммолари долзарблигини янада оширади. Наманган вилояти Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш Бош бошқармаси маълумотларига кўра ҳудудда яратиладиган амалдаги янги иш ўринлари сони битирувчилар сонига нисбатан 8% га кам бўлиб, бундай холат ушбу масалаларга янада кўпроқ эътибор қаратишни талаб этади. Айни пайтда таъкидлаш керакки, амалда яратилган янги иш

¹ Изоҳ: Жадвал Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, Наманган вилоят Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш Бош бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

² Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси. Йиллик статистик тўплам- 2010. Тошкент-2012,105-бет.

2-жадвал

Наманган вилояти касб-ҳунар коллекларини 2007-2011 ўқув йилларида битирган кичик мутахасисларнинг ишга жойлашиши¹



ўринларининг барчасига колледж битирувчи-лари жойлашмайди. Оқибатда, иш ўринларига бўлган талаб ва унинг таклифи ўртасида номута-носибликлар вужудга келади. Бундай ҳолатнинг олдини олиш, муаммоларни ҳал этиш мақсадида бир қатор чора-тадбирларни амалга ошириш керак бўлади. Жумладан: ҳудудда ёшлар ишчи кучига бўлган талаб ва таклифни аниқлаш, ёшлар меҳнат бозорида талаб ва таклиф нисбатига таъсир кўрсатадиган омилларни таҳлил қилиш, ёшлар меҳнат бозори ривожланишига таъсир кўрсатадиган ижтимоий-иқтисодий муҳитни

ўрганиш, ёшларнинг иш билан бандлиги тар-кибини иқтисодиёт секторлари ва ҳудудлар бўйича таҳлил қилиш, Наманган вилоятида кичик ва хусусий тадбиркорликни, касаначилик ва сервис хизмати кўрсатиш соҳаларида ёшлар меҳнатига талаб даражасини ўрганиш мақсадга мувофиқ бўлади. Бу эса ўз навбатида Наманган вилоятида касб-ҳунар коллеклари битирувчи-ларини иш билан таъминлаш муаммоларини ҳал этиш учун имкониятлар яратади.

Адабиётлар рўйхати:

- Каримов И.А. Юксак салоҳиятли авлодни тарбиялаш – энг муқаддас мақсад. // "Халқ сўзи". 2012 йил, 18 февраль, № 35 (5455) 3-бет.
- Каримов И.А. Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислоҳотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. // "Халқ сўзи". 2013 йил, 19 январь, № 13 (5687) 2-бет.
- Худойбердиев З. Р. Бандлик. Наманган, 2003.¹
- Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси. Йиллик статистик тўплам. 2008. Тошкент-2009 йил, 117-119-бетлар.
- Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси. Йиллик статистик тўплам. 2010. Тошкент-2012 йил, 82-83-105-бетлар.
- Наманган вилояти Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш Бош Бошқармаси маълумотлари.
www.stat.uz
www.library.uz

¹ Изоҳ: Наманган вилоят Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш Бош бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.